

2019 -2020 йиллар 9 ойлик яқунларига кўра Автомобиль йўллари қўмитасининг асосий фаолият кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий МАЪЛУМОТ


Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019 й 9 ойлик амалда	2020 9 ойлик амалда	Ўтган йилга нисбатан (%)
	Бажаришган иш хажми, млн юз милярд	млрд.сўм	3700	3053	82.5
	шу жумладан:				
1	Инвестиция дастури бўйича	млрд.сўм	901.8	720.2	79.8
		км	57.4	77.7	135.4
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	343.9	213.8	62.2
		км	80.5	21.3	26.4
3	Минтақавий йўллари таъмирлаш	млрд.сўм	1388.7	969.3	69.8
		км	6200.5	1991.5	32
4	Умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш	млрд.сўм	1066	1149	108

	аш ва сақлаш ишлари	км	2200.	2270	103
5	Янги ишжойларини яратиш	киши	293	11774	40 баровар ўсиш

Кўмита тизимидаги корхона ва ташкилотлар 2020 йил I-ярим йилликда Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 720.2 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг худди шу даврига нисбатан 79.8 фоизни ташкил этади.


Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 213.8 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 62.2 фоизга тенг.

2019-2020 йиллар 9 ойлик якунига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг таққослама диаграммаси



2020 йил I-ярим йиллик якуни бўйича Республика миздаги 1991.5 км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 77.2 км, Андижонда 268.5 км, Бухорода 134.1 км, Жиззахда 101.7 км, Қашқадарёда 224.2 км, Навоийда 92.4 км, Наманганда 86.6 км, Самарқандда 194.1 км, Сурхандарёда 146.4 км, Сирдарёда 90.7 км, Тошкент вилоятида 108.5 км, Фарғонада 211.4 км, Хоразмда 150.3 км ҳамда Тошкент шаҳрида 105.4 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири хажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 32 фоизни ташкил этади.

2020 йил 9 ойлик якунига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш (худудлар кесимидаги диаграмма)



2020 йил 9 ойликда Республикабўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 2270 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2019 йил 9 ойликка қараганда 103 фоизни ташкил этади.

Тизим корхонлари томонидан 2020 йил 9 ойликда 11774та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2019 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда 40 баровар ошган.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўллари кўмитасининг 2020 йил 9 ойликда – умумий бажарилган ишлар ҳажми – 3053,0 млрд. сўмдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 82,5 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.